12 296

МЕН БУГУН СИЗНИНГ ЭЪТИБОРИНГИЗНИ КЕЛАЖАК БУГУНДАН БОШЛАНИШИ ЛОЗИМЛИГИГА ҚАРАТМОҚЧИМАН. БИЗ БУГУН ҲАМ ЯХШИ ЯШАШИМИЗ КЕРАК. БОЛАЛАРИМИЗ ЭСА БИЗДАН ҲАМ ФАРОВОНРОҚ ҲАЁТ КЕЧИРИШЛАРИ ШАРТ.

Ислом КАРИМОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 7 декабрь, шанба № 156 (22.077).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1997 ЙИЛ – ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ БЎЛСИН

6 декабрь куни пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг тўрт йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Шу муносабат билан бу ерга Тошкент шаҳар жамоатчилиги вакиллари, пойтахт меҳмонлари, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари ҳамда Тошкентда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотларнинг вакиллари келди.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов очди.

Ўзбекистон Давлат мадҳияси янграйди.

Ўзбекистон Республикаси конституциявий суди раиси Б. Эшонов мустақил Ўзбекистон Конституциясининг тарихий аҳамияти тўғрисида маъруза қилди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов тантанали йиғилиш қатнашчилари ҳузурида сўзга чиқди.

Юртбошимиз бугунги байрам, Асосий Қонунимиз қабул қилинган кунда эришган ютуқларимиз билан бирга йўл қўйилган камчиликларни ҳам очиқ тан олиш лозимлигини таъкидлади.

Ўтган давр ичида биз дунёга чиқдик, деди жумладан Ислом Каримов. Биз жаҳонни, дунё эса бизни англай бошлади. Кўплаб хорижликлар бугун янги турмушни қуришда биз билан ҳамнафас бўлмоқда. Европага ва дунёнинг бошқа ривожланган давлатларига ташрифлар чоғида улардан кўп нарсаларни ўрганмоқдамиз, уларга ҳавас қилмоқдамиз.

Бизда аввало улардаги эркин ҳаёт ҳавас уйғотади. Шу ўринда инсоннинг умри бетакрорлигини, унга берилган ҳаёт Аллоҳнинг буюк инъоми эканини таъкидлаш жоиз. Аслида инсон бахт учун, дунё неъматларидан баҳраманд бўлиш учун туғилгандир.

Ривожланган давлатлардаги биз учун ибратли яна бир нарса давлат ва жамиятнинг инсонга ҳуқуқий кафолатлар беришидир. Конституцияда мустаҳкамланган бу кафолатлар барча учун баробардир. Бу қоидаларнинг амалга оширилиши учун жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ҳиссасини қўшади. Уларда гоҳо юз беражак англашилмовчиликлар ҳам аслини олганда тўқниқилидандир.

Ҳар бир инсон умид билан яшайди. Орзу-ҳавасимга эришсам, болаларимнинг роҳатини кўрсам, уларнинг камолига гувоҳ бўлсам дейди. Бу айниқса, бизнинг бошлаган халқимизда ёрқин намоён бўлади. Не-не ота-боболаримиз озод кунлар учун ўзларининг жонини қурбон қилганларини шундай қутлуғ кунда эслаш ўринлидир. Уларга таскин берган ягона нарса ҳам мен кўрмаган бахтли кунларни болаларим кўрсин, деган қутлуғ ният эди.

Биз беозор ва мўмин халқмиз. Яшаган ҳар бир кунимиз учун Аллоҳга шукрлар қилишга, келажакка ёруғ умидлар билан боқишга одатланганмиз. Бу яхши. Аммо мен бугун сизнинг эътиборингизни келажак бугундан бошланиши лозимлигига қаратмоқчиман. Биз бугун ҳам яхши яшашимиз керак. Болаларимиз эса биздан ҳам фаровонроқ ҳаёт кечиришлари шарт. Президент Ислом Каримов ана шу фикр барчанинг шуурида жой олиши лозимлигини қайд этди.

Хўш, фаровон турмуш шароитлари яратиш учун бизда имкон борми? Фаровон яшаётган халқлардан бизнинг қаеримиз кам? Юртбошимиз ана шу саволларга жавобан қатъий қилиб «ҳа, имкон бор», деди.

Биз жаҳон маънавияти хазинасини бойитган улуғ алломалар меросхўримиз, деди юртбошимиз. Улкан маданий, маънавий меросга эгамиз. Дунёда бу қадар бой меросга эга бошқа халқ ҳам борми? Қонимизда ана шундай буюклар қони оқар экан, биз фаровон ва гўзал турмуш яратиш учун беқиёс имконимиз бор, десак бўлади. Иккинчидан, эътиқодли ва меҳнаткаш халқимиз бор. У хорижликлардан бир неча баробар кам иш ҳақи олса-да, шундай меҳнат қилаяптики, тасанно демай илож йўқ. У бугун янги билимларни эгаллаб, ўз қобилиятини оширмоқда. Ёрқин келажак яратиш учун тинимсиз ҳаракат қилмоқда. Бундай интилувчан, иродали меҳнаткаш халқ билан ҳар қандай олий мақсадларни амалга ошириш мумкин. Фақат ташкилотчилик керак, холос. Яхши яшашни истар эканмиз, биз тезроқ эскилик сарқитларидан, иллатларидан қутулишимиз лозим. Конституциямизнинг асосий моҳияти ҳам инсонга муносиб ҳаёт шароитлари яратиш, уни бахтли қилишдан иборат.

Конституциянинг асосий моҳияти ана шундаки, у жамият ва унинг аъзолари олдига мақсад қўяди. Ана шу эзгу мақсадга эришишнинг йўлларини ўзида мужассам этади. Шу ўринда давлат, оила ва жамият манфаатлари, соддароқ қилиб айтсак, давлат ва инсон манфаатлари уйғунлашиб кетмас экан, ривожланиш сари олға силжиш бўлмайди.

Президентимиз Конституциянинг ҳуқуқий ҳужжат сифатидаги қимматини қуйидагича баён этди: у жамият аъзоларининг тенглигини қайд этади, унга кафолатлар беради. Дарҳақиқат, раҳбарми, оддий ишчими, у амалда тенгдир, шу халқнинг вакилидир. Бизда айрим раҳбарлар мансаб курсисига эришгани ҳамоно халқдан ўзини ажратишга уринади. Аслида мансаб халқдан ўзини устун сезиш учун эмас, унга сидқидилдан хизмат қилиш учун берилади. Халқ орасидан ажралиб туришнинг биргина кўринишини оқлаш мумкин. У ҳам бўлса, фидойилик, бошқалардан кўра кўпроқ меҳнат қилиш, қаҳрамонликдир.

Президент улкан ер ости ва ер усти бойликларимизни фаровон турмушга эришишимизнинг омилларидан бири сифатида қайд этди.

Республикамизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари инсон ҳуқуқлари ҳимоясига катта аҳамият беришлари керак, деди Ислом Каримов. Гоҳо қабул қилган қонун ва фармонларимизда кўзда тутилган мақсадлар амалга ошмаяпти. Уларни тўла амалга татбиқ этиш чораларини кўришимиз зарур. Қонунларга ҳар биримиз риоя қилганимиздагина муайян ҳуқуқий ҳужжат обрўга эга бўлади. У барчамизнинг манфаатимиз йўлида хизмат қилади.

Президент ҳар биримизда миллий ғурур, миллий онг, тафаккур ривожланган ва барқарор бўлишини тараққиётга эришишнинг яна бир муҳим омили сифатида таъкидлади. Агар инсон ўз юртидан ғурурланмаса, юртини ёмон кўлардан, ёмон ниятлардан асраш учун ўзини аяса, унда бундай жамиятнинг келажаги йўқ. Шу ўринда биз 660 йиллигини нишонлаётган буюк бобокалонимиз Амир Темурнинг қуйидаги сўзларини яна бир карра эслайлик. Соҳибқирон бир ғишт олган бўлсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт кессам, ўрнига ўн дарахт эктирдим, деб ёзган эди. Биз юртимизни фаровон қилиш, келажак авлодларга озод ва обод ватан қолдириш ниятида эканмиз, ҳар биримиз буюк бобокалонимизнинг ана шу сўзлари мағзини чақиб олишимиз лозим.

Ислом Каримов ўз сўзида миллий қадриятларимизга алоҳида тўхталди. Бизда азалдан ота-онага ҳурмат, эҳтиром кўрсатиш қарор топган. Ҳар бир фарзанд ўз ота-онаси билан фахрланиши лозим. Ота-она ҳам фарзандлар ифтихор қилишига лойиқ кишилар бўлиши тақозо этилади. Чуқур ўйлаб қаралса, Шарқ фалсафасининг мазмуни ҳам шундан иборат. Биз қадриятларимизга риоя қилишга катта аҳамият бермоқдамиз. Демократияни қарор топтиришда миллий ўзига хослик ҳисобга олиниши ҳақида сўзласам, айрим мухолифлар бу фикрни тўғри англамаяптилар. Аммо мен ўз фикримда собитман, уни ҳимоя қилишга ҳам тайёрман. Албатта, демократиянинг умумий талаблари барча учун қоида бўлиши керак. Бироқ, биз мусулмон халқмиз. Шарм-ҳаё, ор-номус ҳар биримизда мустаҳкам. Ғарбда агар шу қадриятлар ҳақида сўзласанг, сени тушунмасликлари ҳам мумкин.

Ғарбча индивидуализм Шарқ кишисига ёт. Жамоа тартибида яшаш бизга мос. Маҳаллаларга алоҳида эътибор қаратилаётганининг боиси ҳам шунда. Чунки, маҳаллада кимнинг қандайлиги, ўз кунини ҳалол ёки қинғир йўллар билан кўраётгани кундай аёндир.

1996 йилда биз ютуқлар билан бирга қатор камчиликларга ҳам йўл қўйдик. Хусусан, қишлоқ хўжалигида кўзланган натижаларга эришолмадик. Айни кунда бунинг таъсирини сезаяпмиз. Шунга қарамай, муваффақиятларимиз ҳам салмоқли. Ёдингизда бўлса, мен 1996 йил юксалиш йили бўлади, деган эдим. Биз бу ниятимизга эришдик. Бироқ, айримлар яхши яшаётган бўлса, бошқалар анча кам даромадлилигини кузатаяпмиз. Бунга ким айбдорлигини чуқур таҳлил қилишимиз лозим. Оилада тўкинлик бўлмаса, ё давлат, ё корхона, ёхуд ишловчининг ўзи айбдордир. Бу вазиятни маҳаллаларга таяниб, обдон таҳлил қилиш мумкин.

Жоиз бўлса, яна бир нарсани қайд этишни ўзимга фарз деб биламан. Хоҳ катта, хоҳ кичик корхона ёки ташкилот раҳбари ўз ходимининг ташвишларидан хабардор бўлмас ва уларни севмас экан, у раҳбар бўлишга нолойиқдир. Бу ўринда эришилган ютуқлар оддий кишилар турмушида сезилмаса, улар манфаатдорлигида акс этмаса бундай юксалишнинг ҳеч кимга кераги йўқ. Юртбошимиз шу боис бир шиорни ўртага ташлади. 1997 йилни инсон манфаатлари йили, деб эълон қилсак, деди Ислом Каримов. Ҳар биримиз мана шу эзгу мақсад рўёбга чиқиши учун муносиб ҳиссамизни қўшсак. Шахсан менга келсак, агар халқим турмуш даражасининг ўсиши фақат менгагина боғлиқ бўлса, ҳатто жонимни ҳам беришга тайёрман.

Ҳар бир инсонда яхши фазилатлар ҳам, ёмон одатлар ҳам мавжуд. Гап ундаги қайси туйғуларни уйғотишда. 90-йилларда биз мухолифларимиздан фарқли равишда эҳтиросларга берилмай иш олиб бордик. Натижада шу қутлуғ кунларга етиб келдик. Бугун кўп соҳаларда МДҲдаги бошқа давлатлардан илгарилаб кетдик. Бунда Асосий Қонунимиз бизга дастуриламал бўлди. Сўзимнинг охирида сизларни кишилардаги яхши фазилатларни уйғотиб, уларни эзгу мақсадларга сафарбар этишга, жипслашган ҳолда меҳнат қилиб, ниятларимизга эришишга даъват этаман. Сизларни Конституция куни билан чин қалбдан яна бир карра табриклайман.

Йиғилишда Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, республика Бош вазири Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосарлари И. Жўрабеков, Қ. Обидов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари, бошқа расмий кишилар қатнашди.

Тантанали йиғилиш ниҳоясида Ўзбекистон санъат усталари ижросида катта концерт намойиш этилди.

(ЎзА).

СУРАТЛАРДА: тантанали йиғилиш пайти.

Р. НУРИДДИНОВ (ЎзА) олган суратлар.

ВАТАН МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

СУРАТДА: мукофотларни топшириш пайти.

ЎзА олган сурат.

Президент Ислом Каримов Фармонига кўра Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллик байрами арафасида республика иқтисодиёти ривожига қўшган ҳиссаси, мамлакатда тинчлик ва осойишталикни, миллатлараро тотувликни таъминлаш, ёш авлодни истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш йўлидаги улкан хизматлари учун юртдошларимиздан катта бир гуруҳи Ватаннинг юксак орден ва медаллари ҳамда фахрий унвонлари билан тақдирланган эди. Шунингдек, Амир Темур ва темурийлар даврида бунёд этилган тарихий ёдгорликларни таъмирлаш борасидаги ишлари учун бир гуруҳ усталар Алишер Навоий номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

6 декабрь куни республика Вазирлар Маҳкамасида ана шу мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Тантанали маросимда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Гўзал ва обод Ватанимизнинг асосий қонуни— Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганига тўрт йил тўлиши арафасида, биз мамлакатимизнинг ишлаб чиқариш, саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданият соҳаларида меҳнат қилиб, катта ютуқларни қўлга киритган бир гуруҳ ватандошларимизга давлатимизнинг юксак мукофотларини топшириш маросимига йиғилдик, деди давлатимиз раҳбари.

Ҳалол меҳнатнинг қадрига етиш, элу юрт бахт-саодати, унинг тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилган ўғил-қизларининг хизматларини муносиб тақдирлаш— халқимизга хос азалий фазилатдир.

Биз бугун адолатли, инсонпарвар жамият қураётган эканмиз, аввало, одамларимизнинг қилаётган ишларига, меҳнатига ҳурмат билан қараш, қадрлаш, уларнинг қадр-қимматини жойига қўйиш сиёсатимизнинг пойдевори бўлиши шарт.

Чунки, одам бу дунёда ўзининг керакли эканини англаб яшаса, қилган эзгу ишларининг беиз кетмаслигига ишонч ҳосил этса, ўзига муносиб иззат-икром кўрса, бундай муносабат меҳнатчиларнинг эл-юрт, жамият олдида фарзандлик бурчини бажаришида ўз самарасини бериши муқаррардир.

Аслида ҳар қандай мукофот ва рағбат замирида инсоннинг ақл-заковати ва меҳнатига, ўз илму ҳунарига меҳр билан қарашига ва маҳорат кўрсатишига чуқур эҳтиром мужассамдир. Биз бугун фидокорона меҳнати, кашфиёт ва ихтиролари, санъат асарлари билан халқимизнинг моддий ва маънавий юксалишига хизмат қилаётган ва шу боис, бугунги олий мукофотларга сазовор кўрилган ватандошларимиз билан чин дилдан фахрланамиз.

Ватанимиз орден ва медаллари мазмун-моҳияти билан ҳам, ташқи кўринишию жозибаси билан ҳам ҳавас қилгулик. Уларнинг номида ва шаклида биз танлаб олган йўл, буюк мақсадларимиз, хоҳиш-иродамиз, Ватан ва миллатга муносабатимиз ифода этилгандир. Бунинг буюк маъноси бор. Зеро, улар ҳалол ва баракали меҳнат қилган, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган ҳар бир инсон учун олий ном, олий даража, олий қадриятдир!

Биз Ўзбекистоннинг келажаги шонли ўтмиши каби буюк бўлади, халқимиз фаровон турмуш ва осойишта ҳаётга албатта эришади ва шулар орқали жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллайди деб ишонч билдирар эканмиз, биринчи галда сиз каби фидойи, заҳматкаш, салоҳиятли илму ҳунар эгаларига таянамиз.

Сизларнинг ўз соҳангизда эришган ютуқларингиз, ҳаётий тажрибаларингиз, инсоний фазилатларингиз, тафаккур қудратингиз барча учун, аввало, ўсиб келаётган ва камол топаётган ёш авлодимиз учун ҳамиша ибрат ва намуна бўлиб хизмат қилади, — дея таъкидлади Президент. Бу ибратнинг маъноси битта: у ҳам бўлса, онаюртимиз, Ўзбекистонга садоқатли фарзанд бўлиб хизмат қилиш, уни ёмон кўзлардан, ёвуз кучлардан асраш, керак бўлса, бу йўлда ҳатто жон фидо этишга ҳам қодир бўлиш!

Ўзбекистон ўз тараққиётининг машаққатли, мураккаб, зиддиятларга тўла, аммо ғоят шарафли йўлидан юксак мақсад сари, оғишмай бормоқда. Бу йўлнинг барча пасту баландликлари, қувонч ва изтироблари, ютуқ ва камчиликлари, бутун халқимиз қатори сизларга ҳам яхши аён. Босиб ўтаётган йўлимиз қанчалар оғир ва қийин бўлмасин, истиқлол йиллари бизнинг мустақил яшаш ва мустақил тафаккур юритишга қодир миллат эканимизни жумлаи жаҳонга ёрқин намоён қилмоқда.

Биз жаҳон ҳамжамиятига кириб борадиган ўз йўлимизни топиб олдик ва бу йўлда дастлабки, шу билан бирга,

(Давоми 2-бетда).

Машҳур футболчи Миржалол ҚОСИМОВ «Ўзбекистон овози»га обуна бўлди



«Мен суюмли газетамизнинг доимий ўқувчисиман. Миржалолнинг мухлислари ҳам унга обуна бўлади, деган умидим бор».

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибиятида

ҚАРОРЛАР БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАЙЛИК!

5 декабрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Котибиятининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда партиянинг ички ҳаёти ва фаолиятига тааллуқли қатор масалалар кўриб чиқилди. ХДП МКнинг XVI пленуми кўрсатмасига биноан Марказий Кенгаш ҳузуридаги илмий-назарий семинарни ташкил этишга қарор қилинди. Бундан мақсад — партиянинг назарий фаолиятини кучайтириш, мамлакатимизда рўй бераётган янгиланиш ва ислоҳотлар жараёнларини тушуниб олиш, Ўзбекистон ХДП дастурий ҳужжатларининг қоидаларини ҳаётга татбиқ этилишини таҳлил қилишдир.

Котибият МК Мафкуравий ишлар бўлимининг, Ўзбекистон Халқ демократик партияси тўғрисидаги маълумотномани тайёрлаш ва чоп эттириш юзасидан, таклифларини маъқуллади. Ушбу нашр партия фаоллари, тарғиботчилари, аъзоларининг оммавий-сиёсий ва ташкилотчилик ишларида фойдаланиш учун мўлжалланади.

Мажлисда Бухоро вилояти партия кенгашининг Ўзбекистон ХДП ҳужжатлари ҳамда ўз пленумлари ва ижроия бюро йиғилишларида қабул қилинган қарорлар бажарилишини ташкил этиши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Қарорлар бажарилишини ташкил этиш, унинг бориши устидан амалий назорат ўрнатиш — бошлаб қўйилган ишларни ниҳоясига етказиш, юқори партия ташкилотларнинг кўрсатмаларини бажариш, ўз ният ва режаларини ҳаётга татбиқ қилишнинг муҳим шарти. Масалага шу йўсинда ёндошилмаса, ҳар қандай иш барбод бўлиши мумкин. Котибият Бухоро вилояти партия ташкилотида бу соҳадаги ишларнинг даражаси шу куннинг талабларига жавоб бермаслигини қайд этиб, Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашидан Марказий Кенгаш ҳужжатлари ва ўзининг қарорларини партиямиз шаҳар, туман кенгашлари ҳамда бошланғич ташкилотларига ўз вақтида етказиш устидан қатъий назорат ўрнатишни талаб қилди.

Котибият мажлисида муҳокама этилган масалалар буйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

ВАТАН МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

(Давоми. Боши 1- бетда).

салмоқли қадамлар қўймоқдамиз. Бу ҳаракатлар, иншооллоҳ, ўзининг ижобий самарасини беришига халқимиз ишонди. Бу ишончини юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда, моддий ва маънавий ҳаётимизда ижобий мақсадлар сари босқичма-босқич қадам қўйиб, сезиларли натижаларга эришишда ифода қилмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида халқимиз, жамиятимиз қўлга киритган энг катта ютуқлардан бири айнан мана шу деб айтсак, ўйлайманки, хато қилмаймиз.

Ўзбекистонимизнинг эртанги куни маънавий-маданий баркамол, руҳан тетик, мустақил фикрлаш ва ишлаш қобилиятига эга бўлган, замонасининг илмий-техника тараққиёти талабларига мос, касб-кор маҳоратини ўзида мужассам этган, ғурури баланд, имони бутун, иродаси бақувват, чинакам ватанпарвар, инсофли ва ориятли инсонлар қўлида деб айтсак, асло муболаға бўлмас.

«Мардлик ва мурувватни Оллоҳ ҳам, халқ ҳам улуғлайди», дейди» соҳибқирон бобомиз Амир Темур. Сизлардаги ана шундай гўзал фазилатлар ҳаммамизни мамнун ва мафтун этади. Ўзбекистон сиз ва сизлар каби азамат, танти одамлари меҳнати билан буюк келажагини қуради, деди Ислом Каримов. Сизларни улуғ ва қутлуғ Ватанимизнинг олий мукофотлари билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Фурсатдан фойдаланиб, сизларни ва барча ватандошларимизни халқимизнинг улкан байрами — Конституция куни билан самимий табриклайман. Барчангизга омонликрўшнолик, оилаларингизга бахт-саодат тилайман.

Президент Ислом Каримов йиғилганларнинг олқишлари остида Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги «Олтин водий» жамоа хўжалиги дончилик бригадаси бошлиғи Содиқжон Абдурасулов, Самарқанд махсус илмий-таъмирлаш ишлаб чиқариш устахонаси таъмирловчиси Мирумар Асадов, Наманган вилояти туғуруқхонаси бўлим мудири Айшахон Қўчқорова, Ўзбекистон Республикаси «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концерни раиси Николай Кучерский ва Сурхондарё вилояти Денов тумани Собир Раҳимов номидаги жамоа хўжалиги раиси Иброҳим Файзуллаевга ватанимизнинг олий мукофоти — «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони гувоҳномаси ва «Олтин юлдуз» нишонларини топширди.

Саноат, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданият, маориф, спорт ва санъат соҳалари намояндалари, ҳарбийлар давлатимиз раҳбари қўлидан юксак мукофотларни олиш шарафига муяссар бўлдилар.

Маросимда республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов Президент Ислом Каримовни «Мустақиллик» ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Олий Мажлис қарорини ўқиб эшиттирди ва юртбошимизга юксак орденни топширди. Президентимизнинг миллий давлатчиликни тиклаш, ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш борасидаги тарихий хизматлари ана шу олий мукофот билан тақдирланди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони нишондорлари — Н. Кучерский, И. Файзуллаев, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби, атоқли шоир Эркин Воҳидов, «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланган машҳур боксчи А. Григорьян ва бошқалар ҳурмат ва эътибор учун миннатдорлик билдириб, ватанимиз равнақи йўлида янада самарали меҳнат қилажакларини изҳор этдилар.

Барчамизнинг ниятимиз — меҳнатсевар ва бағри кенг халқимизга муносиб ҳаёт шароити яратиш йўлида меҳнат қилишдир, деди Ислом Каримов маросим ниҳоясида. Улуғ неъмат — мустақиллигимизнинг илк самараларинигина кўряпмиз. Келажагимиз пойдеворини бунёд этмоқдамиз. Асосий ютуқлар ҳали олдинда. Энг муҳими, одамлар, уларнинг дунёқараши ўзгармоқда. Шундай экан, ёруғ кунларга албатта етамиз. Сиздек фидойи фарзандлари бор экан, Ўзбекистон келажакда албатта буюк давлат бўлади!

Маросимда республика Бош вазири Ў. Сўлтонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосарлари И. Жўрабеков, Қ. Обидов, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Ў. Раҳматов, Олий Мажлис Раиси ўринбосарлари Б. Бўгров, Б. Шодиева, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов қатнашди.

(ЎзА).

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

ЭНГ БУЮК ЮТУҚ

Кўплаб хорижий мамлакатлар раҳбарлари, давлатшунослар, дунё обрўйига эга бўлган йирик ҳуқуқшунослар Конституциямизни жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган қонун сифатида тан олмоқдалар. Улар Конституциямизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шахснинг виждон ва имон-эътиқод эркинликларига кенг ўрин берилганлигини эътироф этмоқдалар. Унинг инсонпарварлик, Тинчлик, Мустақиллик, Ҳамкорлик ғояларини қуллаб-қувватламоқдалар. Бинобарин, қомусимиз биринчи бандидан охиригача ана шу ғояларни ўзида изчил сингдирган.

Шу боис ҳам Конституциямиз биз учун ниҳоятда муқаддасдир. Чунки унда халқимизнинг хоҳиш-иродаси, ижтимоий-сиёсий онги ва маданияти, мамлакатимиз истиқлоли ва тараққиётининг ҳуқуқий асослари акс этиб турибди.

Бундай пухта ва кучли Конституция бирданига пайдо бўлган эмас.

Унинг тарихий илдизлари Исмоил ал Бухорий, Ат-Термизий, Баҳовуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Амир Темур, Маҳдуми Аъзам каби юзлаб улуғ аждодларимизнинг ўлмас таълимотларига келиб тақалади. Унда маънавий ва ҳуқуқ-қадриятларимиз, ўзбек халқининг бой тарихий ўтмиши нафаси сезилиб туради. Президентимиз И. А. Каримов «Амир Темур тузукларини ўқиганимда, бугунги кунимизнинг минглаб саволларига жавоб топгандай бўламан», деганларида минг марта ҳақ эдилар.

Мустақил мамлакатлар тарихидан маълумки, ўтиш даврида, хусусан, ижтимоий-сиёсий барқарорлигнинг биридан иккинчисига ўтиш даврида иқтисодиёт, албатта айрим мураккабликлар, қийинчиликлар ва довонларга дуч келади. Бу бежиз эмас. Чунки бир жамият иқтисодий сиёсат таъсири остида яшаб келган ишлаб чиқариш кучлари, иккинчи, — чин маънодаги қарама-қарши моҳиятга эга бўлган жамиятда, яъни, бозор муносабатлари шароитида дастлаб самарали фаолият кўрсата олмайдилар. Улар тафаккурида мулкка эгалик ҳиссини уйғотиш ва тарбиялаш, тадбиркорликни шакллантириш ҳамда уларнинг маҳсули сифатида иқтисодиётни ривожлантириш маълум муддатдаги ўтиш даврини тақозо этади.

Ҳозир Узбекистон мана шу даврни бошидан кечирмоқда. Бу жараёнда иқтисодиётда баъзи нуқсонлар ёки ишлаб чиқаришда узилишлар бўлиши муқаррар.

Лекин биз бугун шуни фахр билан тилга олишимиз лозимки, Узбекистон Республикасининг Президенти раҳбарлигидаги ҳукумати ўтган беш йил ичида иқтисодиётда туб ўзгаришлар ясамоқда.

Кеча давлат корхонаси бўлган завод-фабрикалар бугун акциядорлик жамиятларига ёки бошқа турдаги хўжалик бирлашмалари ва ширкатларига айланмоқда. Ҳозир республикамизда юзлаб акциядорлик жамиятлари фаолият кўрсатаётир.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг қисқа даври ичида халқаро ҳамжамиятда ўз ўрнига эга бўлди. Узбекистонни 130 дан ортиқ мамлакат расман тан олди. Уларнинг кўпи билан сиёсий, маданий ва иқтисодий алоқалар ўрнатилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилинди.

И. Каримов таъбири билан айтганда, жамиятимиз эришган энг буюк ютуқ — Узбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши бўлди.

Шунинг учун ҳам у Ватанимиз ва халқимиз тақдири, фахри ва ишончи ҳисобланади. Шундай экан муқаддас Конституциямизни эъзозлаш, кўз қорачиғидай асраш, ҳимоя қилиш, унинг тамойилларига оғишмай амал этиш Узбекистон фуқароларининг фарзандлик бурчидир.

Бу бурчни биз Ватанга меҳр ва садоқатдан келиб чиқадиган фидойилик ва ватанпарварлик билан адо этишимиз мумкин.

Абдумалик МАЖИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва Жамият қурилиши Академияси тингловчиси.

ЯЛТИРАШИ КЎЗИМ ОЛИБДИ...

Бозорларимиздаги хорижий моллар сифати хусусида баъзи мулоҳазалар

— Ҳай: қўшни, манавини қаранг, куйиб қолдимку.

— Вой, қурсин... бу ҳалиги, чалларига кийиб борганизу. Жа, очилиб кетувдиз. Илойим, кўз тегмасин девдим.

— Нимасини айтасиз. Сал уринганаканми деб, тоза порошокда ювақолувдим. Сувдан кўтаришимни биламан, зарлари тўкилди, қўйди.

— Ҳа, бош кўзиздан садақа... ола-пес бўлиб қолибди, энди кийиб бўлармиди...

Эгачилар суҳбатидан шу нарса аёнки, билиб-билмасдан олинган матодан тикилганини кийиб «адо» қилиш қийин эмас экан. Сотувчи билан ўзаро суҳбатда эса бу нохушликнинг сири аён бўлди. Маълум бўлишича, бозорларимизда сотилаётган ялтир-юлтур газмоллар ранги ҳам, сифати ҳам турличадир. Бундай моллар асосан Корея, Хитой ва Амирликлар тарафлардан келтирилади. Албатта, ҳар хил зар гуллар босилган газмоллар таги табиий матодан бўлса, фойдаланиш анча хосиятли кечади. Бордию сунъий матоларга кўзни қамаштирадиган гуллар урилган бўлса, бундай матодан тикилган кийим-бош саломатликка ҳам зарар экан. Ҳа, хориждан келтирилган ҳар қандай молларнинг сифати кафолатланган, дейиш қийин.

Умуман, инсон боласининг табиати қизиқ. Айтайлик, бир хил эркаклар кўйлагини 4-5 тасини териб қўйилса: биринчисида шунчаки тахланган ҳолати, кейингисида елим-халтага солингани, учинчисида чиройли ёрлиқ осилгани ва яна бирида халтачаси устига бежирим ёзув ва гуллар битилган бўлса, қайси бирини танлардингиз? Албатта, охиргисини. Шундан ҳам кўриниб турибдики, тайёр маҳсулотнинг қандай ўралгани ёки қадоқланганида гап кўп. Сирасини айтганда, биз хорижиклар талабини ўрганишга ҳаракат қилганимиз каби, улар ҳам халқимизга нималар маъқул келиши ҳақида изланадилар. Афтидан бозоримизни ўрганган хорижлик ишбилармонлар миллатимизга хосликни англаган кўринадилар. Уларнинг ютуғи аввало, маҳсулотнинг сифатига эмас, балки бежирим идишларга солишда, ўхшатиб қадоқлашда ҳамда дид билан безашда.

Биз яқиндагина бозоримиз тўлиқ бўлишини орзу қилардик. Мана, қисқа муддатларда бозорларимиз ҳам, пештахталаримиз ҳам турли моллар билан тўлди. Бозору дўконларга кирганингда дилинг яйрайди. Фақат негадир ҳозирча хориждан келтирилаётган озиқ-овқат ва саноат моллаларининг сифатига кўп ҳам аҳамият бермаяпмиз. Борига шукр, дегандек билиб-билмасдан харид қилавердик. Энди эса, харидор билан сотувчи ўртасида ўзига хос эътирозлар юзага келмоқда. Хусусан, Хитой попук конфетларини очиб бўлмайди. Сабаб — конфет ўралган қоғозга тушириган безаклар масаллиқ тўла ёпишиб қолади. Таъмидан ҳам кўнгил тўлмайди. Ёки Хитой тамғаси босилган батарейкаларни олайлик. Қуввати 3 кундан ортиққа етмайди. Ҳеч замонда нон маҳсулотларининг гурр этиб ёнганини эшитганмисиз? Ахир, уларни ёқмоқчи бўлсангиз ҳам туташдан нарига ўтмайдику. Сотувчию харидорларни Туркиядан келтирилаётган печеньеларнинг осон аланга олиши ҳайратга солади. Қанчалик аниқлигини билмадигу бундай печеньелар сунъий масаллиқдан тайёрланган бўлса ажабмас. Дўстларимиз диёрида ишлаб чиқарилаётган сақичларни ҳам Оврўпанинг «Дирол», «Орбит»ларига қиёслаб бўлмайди.

Муносабат

Усти ялтироқ, ичи қалтироқ маҳсулотлар бозоримизга қай йўл билан кириб келмоқда? Ахир, шаҳримиз, мамлакатимиз бедарвоза эмаску? Ахир чегараларимизда ҳушёр, қилни қирқ ёрадиган божхона ходимлари, уларнинг тасарруфида эса ҳар қандай молнинг сифатини зумда аниқлаб берадиган воситалар бор-ку. Шундай экан, сифатсиз моллар қайси йўллар билан уларни четлаб ўтаётганига нима дейсиз? Хусусий фирма ёхуд давлат йўли билан келтирилаётган молларнинг сифатини назоратга олиш, лозим бўлса лабораторияларда анализ қилишга эътиборни кучайтириш зарурга ўхшайди. Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Бозорларда сотилаётган сифатсиз молларга солиқчиларимиз нега бефарқ қарашади? Улар халқимиз олдига «похол» солаётган чайқовчиларнинг танобини тортиб қўйишлари мумкинку.

Пойтахтимизнинг қоқ марказида иккита йирик супермаркет дўконлари бор. Уларга кириб ҳайрон қоласан киши. Айтайлик, 300-350 граммлик шиша идишларга қадоқланган, майда қилиб тўғралган сабзи, картошка ва кўк нўхотнинг шўр сувда пиширган консерваси 2,38 доллар бўлса, кўк аччиқ қалампир консерваси 2,53 доллар, саримсоқ 6,48, бодринг 2,21 доллар қилиб нархланган. Гўё бундай маҳсулотлар далаларимизда битмайдигандек.

Бу ҳаммаси қандай бўлмасин, сифатли ва бежирим қадоқлашни ўрганишимизга даъватдир. Наҳотки, «Совпласти-тал», Тошкент чинни заводи каби ишлаб чиқариш корхоналари кўмагида, қолаверса, шиша, сопол, қоғоз, картон ва елим-қоғозлардан ясалган чиройли идишларда ўз маҳсулотларимизни қадоқлашни ўрнига қўёлмасак. Дўконларимизда турган «Самарқанд балзами»га қараб ачинасан. Ахир, доривор ва шифобахшлиги бисёр бўлган бундай ичимликни шарқона безакли, қадимий меъморчилигимиз, «Олтин меросимиз»ни эслатувчи идишларда қадоқланганда харидоргирлиги янада ортармиди?

Қачонгача безакли, ўймакор идишларга қўйилган, кўзни қамаштирувчи ичкиликларга маҳлиё бўламиз. Ахир уларнинг тоза ва сифатлилиги ҳам ўзимизникидан яхши эмаску. Олимлар хориж ичкиликларида саломатликка зарарли сивуш мойи бисёрлигини аллақачон аниқлашган. Қани энди Ўзбекистонда чиқарилаётган чиройли, ўхшаши йўқ идишларда «Султон», «Амири», «Ҳусайн» каби ёзувлар бўлса. Балки келажакда «Соҳибқирон» номи франгларнинг «Наполеон»идан устун бўлармиди? Нима бўлганда ҳам ўз маҳсулотимизни чиройли қадоқлаб пештахталарга, қолаверса, хорижга чиқариш вақти келди. Четдан келиб кимдир фалон хом ашё ҳисобига маҳсулот чиқаришни йўлга қўйиб бераман, деб сўз очишини кутиб ўтирсак ярашмайди. Мана, тамакимизни ҳамкорлик асосида қайта ишлаб жаҳонга чиқариш йўлга қўйилди. Сут ва шарбатлар ҳам хорижталаб бўлди. Бу кетишда қовун-тарвузларимиз, сархил узумларимиз, ёнғоғу кишмишларимиз ҳам «меҳмонлар» назарига тушиб, фойдаси бўлинадиган даражага етиши тайин. Шундай қилайликки, истиқлол юрт ворислари бугунги кун саъй-ҳаракатларимиздан келажакда ғурур ва ифтихорга тўлиб юришсин!

Ҳайдар НОСИРОВ,
Норбобо ШАКАРОВ,
«Ўзбекистон овози» шарҳловчилари.

ВАҚТ КУТИБ ТУРМАЙДИ!

— деб таъкидланди партия матбуотига 1997 йил учун обунани уюштириш бўйича Марказий Кенгаш Комиссияси мажлисида

Комиссия Ўзбекистон ХДП Бухоро, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Сирдарё ва Тошкент вилоят кенгашлари биринчи котиблари Ж. Нуруллаев, Г. Субҳонова, Д. Воҳидов, Р. Облоёров, Т. Исмоилов, Ў. Турғуновларнинг «Ўзбекистон овози» — «Голос» Узбекистана» газеталари ҳамда «Мулоқот» журналига 1997 йил учун обунани ташкил этишлари хусусидаги ахборотларини тинглаб, мазкур вилоятлар партия ташкилотлари раҳбарлари олдинги мажлисдаги танқиддан тегишли хулосалар чиқармаганликларини кўрсатиб ўтди. Ушбу минтақаларнинг кўпчилик шаҳар ва туманларида обунани уюштириш соҳасидаги тарғибий ва ташкилий ишлар бесамар бўлаётганлиги сабабли, партия нашрларига ёзилиш суръатлари суст, унинг умумий аҳволи ёмон.

Вақт эса кутиб турмайди. Обуна мавсуми тугалланишигача икки ҳафта қолди. Қолган вақт ичида қатъий чоралар кўрилмаса, Марказий Кенгашнинг мазкур масала юзасидан топшириқлари бажарилмай қолиши мумкин. Комиссия қабул қилган қарорда айтилишича, ушбу вилоятлар кенгашларининг 1997 йил учун матбуот нашрларига обунани ташкил этиш бўйича фаолиятларида мавсум охиригача туб бурилиш юз бермаса, уларнинг биринчи котибларининг масъулияти масаласи Ўзбекистон ХДП Сиёсий ижроия қўмитасида кўрилади.

Мажлисни Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов олиб борди.

Лукма

ТОЗА ҲАВОГА МУҲТОЖМИЗ

Эрталаб йўталиб уйғондим. Тоза ҳаво кирсин деб дарчани қия қилиб қўйгандим. Хонани тутун босибди. Нафас олиб бўлмайди. Қарасам, муюлишдаги ахлатлар уюмида хазонлар буриқсиб ётибди. Хайрон бўламан. Ахир Сингапурдек ҳамма ҳам билавермайдиган бир шаҳар дунё миқёсида ўзининг саранжом-саришталиги ва покизалиги билан биринчи ўринда экан. Истиқлол ватанимиз пойтахти ана шундай шаҳарлар сирасига кирармикан? Қачон ортиқча чиқитлар, тўкилган хазонлар ва ахлатларни вақтида шаҳардан ташқарига олиб чиқиб кетиш, керак бўлса уни қайта ишлаш муаммоси ўз ечимини топаркан?

Юнусобод туманининг «Обод» маҳалласига боргудек бўлсангиз ҳам ана шундай нохуш манзарадан кайфиятингиз бузилади. Айниқса, Краснопресненская (номига эътибор қилинг) кўчасидаги кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчилар бу ернинг санитария ҳолатидан қаттиқ ранжишмоқда. Шунингдек, 1-35-уйлар оралиғидаги ахлатлар хирмони тобора кўтарилаётгани ташвишга солади. Маҳалладошлар бир неча бор уй-жойлардан фойдаланиш бошқармасига бу борада мурожаат қилишди. Афсуски, натижа йўқ. Туман ҳокимлиги мутасаддилари аҳолининг эътирозига жиддий муносабатда бўлиб, масалани бир ёқлик қилиш ҳақида ўйлаб кўришса бўлармиди?

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ.

«Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокамада

ҚОНУН МУКАММАЛ БЎЛСИН!

— дейдилар унинг лойиҳаси муҳокамасида фаол иштирок этаётган ХДП аъзолари

Олдин хабар берганимиздек, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Котибиятининг қарорига биноан, партиямиз тузилмаларининг барча бўғинларида Олий Мажлис олтинчи сессиясида биринчи ўқишда қабул қилинган «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг муҳокамаси ушоқлик билан олиб борилмоқда. Шу кунгача мазкур масала ХДП маҳаллий кенгашлари ижроия бюро, фаоллар йиғилишлари ва 14473 бошланғич ташкилотлари мажлисларида кўриб чиқилди. Уларда 363 минг партия аъзоси ва 188 минг партиясиз фуқаролар қатнашдилар.

Муҳокамалар жараёнида тушган таклифлар, билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг умумий сони 3420 тага етди. Уларнинг орасида диққатга сазоворлари талайгина. Масалан, Ўзбекистон ХДП Наманган шаҳар кенгаши ва Поп туманидаги «Ғурумсарой» жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиби Э. Ҳайитованинг фикрича, мавжуд ва келажакда тузилиши мумкин бўлган сиёсий партияларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида Лойиҳанинг «Сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари», деб номланган 2-моддасини янги таҳрирда, яъни «Сиёсий партиялар ўз фаолиятларини **давлат ва жамият ўртасидаги, уларни боғлаб турувчи, асосий бўғин сифатида** (ости чизилган сўзлар янгидан қўшилмоқда— таҳририят) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ушбу Қонун, бошқа қонунлар ҳамда ўз уставларига мувофиқ амалга оширадилар» шаклида бериш лозим. Шу вилоятнинг Мингбулоқ туманида истиқомат қилувчи И. Юсупов Лойиҳанинг «Сиёсий партияларга аъзолик», деб аталувчи 4-моддаси 8-хат боши билан бошланадиган «ҳарбий хизматчилар»; деган жумлани қуйидагича беришни таклиф этмоқда: «ҳарбий хизматчилар **(муқобил хизматни ўтувчилар бундан мустасно)».** Ҳақиқатан ҳам фуқаро сиёсий партиялардан холи қилинмаган соҳада ишлаб туриб, ҳарбий хизматни ўтса, унинг учун партияга киришни ман қилиш Қонунга зиддир.

Сиёсий партиялар на фақат ўзларининг устав (низом) лари, балки, ўз дастурлари асосида ҳам фаолият кўрсатишларини назарда тутиб, қатор партиядошларимиз Лойиҳадаги сиёсий партияларнинг «ўз уставлари асосида», деган жойларда «... уставлари» сўзидан кейин «дастурлари» сўзини қўшиш кераклигини таъкидламоқдалар. Сиёсий партиялар депутатлик фракциялари нуфузини ошириш, ҳуқуқларини кенгайтириш, уларнинг фаолиятини молиявий жиҳатдан таъминланиши масалаларига кенгроқ имкониятлар яратиш ва бошқа шунга ўхшаш фикр-мулоҳазалар ҳам мавжуд.

Марказий Кенгаш ишчи гуруҳи барча тушган таклифларни таҳлил қилиб, энг муҳимларини Олий Мажлис Кенгаши Котибиятига ҳавола этмоқда. Республикамиз парламенти VII сессиясида қабул қилиниши мўлжалланаётган мазкур Қонун лойиҳасини жаҳон андозаларига мослаштириш ва демократик ривожланиш талабларига яраша такомиллаштириш жараёнида уларнинг ҳисобга олиниши муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

Наманган ҳунармандчари.



Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар.

КИЧИК КОРХОНА МАҲСУЛОТЛАРИ

ҚАШҚАДАРЁ. *Нишон туманидаги кичик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган турли маҳсулотлар кўпчиликка манзур бўляпти. Хусусан, «Лазиз» кичик корхонасида қандолат маҳсулотлари тайёрланаётган бўлса, «Оқмол» жамоаси совун ишлаб чиқармоқда. «Меъмор кичик корхонасида тайёрланаётган қурилишбоп ғиштлар, «Чароғул»да ишлаб чиқарилаётган саноат моллари харидоргир ҳисобланади. Муҳими бу кичик корхоналарда 150 нафардан кўпроқ киши ишга жалб қилинган.*

Шерхон ҚОРАЕВ.

«ТАЪТИЛДАГИ» СВЕТОФОРЛАР

Икир-чикирми бу?

Танидим. Телефондаги овоз эгаси хизматдошим Рашид. Бирга аскар бўлганмиз.

— Эртага Тошкентда буламан. Машинамда боряпман. Йўл эсимда қолмаган. Ўша учун ипподромда учрашсак.

Дўстимнинг айтганича бўлди. Дийдорлашдик. Меҳмон қилдим. Утган-кетгандан ғурунглашдик.

— Энди у ёқ-бу ёқни айлансак. Ўзгариб кетган дейишди Тошканни. Меҳмон отангдан улуғ. Унинг кўнглига қаралим. Ўрнимиздан қўзғалдик. У «Жигули»си моторини юргизди.

— Машинада айланайлик. Автобус, трамвай қилиб юрамизми?

Маъқул тушди. Йўлга чиқдик. Кўнглимга охирги беш йилда қурилган бинолар, хиёбон, гўзал истироҳат боғлари, Темурийлар музейи, бозорларни кўрсатиш келди. Четдан, айниқса, узоқ қишлоқдан келган кишига бу иншоотлар кўз-кўз қилгудек-да.

— Ие светофор ишламайдими?

Ошнам шундай дея тормозни босди. Асосий йўлдан юраётган бўлсак-да, олдимизни кесиб чиққан «Москвич» хавфли вазиятни вужудга келтириб, «қуён» бўлди. «Москва» кафеси қаршисидаги бу ноҳушликка ўчган светофор сабабчи эди.

«Сим-пими узилиб қолгандир-да», дедим ўзимча.

Рашид эшитдими, йўқми садоси чиқмади. Афтидан эс-ҳуши йўлда. Бояги ҳол таъсиридан қутулмаганди чоғи. Оқтепага келсак, у ердаги светофор ҳам ўчган. Кимнинг «ҳунари» бўлса зиппиллаб кетяпти. Сигнал устига сигнал. Асабийлашув.

— Светофорлар отпускадами, дейман.

Рашиднинг гапидан кулишдик. Лекин хунпкайфият ўрнини хижиллик эгаллайверди. Ўйланиб қолдим. Дўстим азза-базза машинада келибдию ҳар қадамда хижолатпазлик. Тўғриси, хавотирам йўқмасди. Катта шаҳар. Кўча серқатнов.

«Ҳамза» метросидаги чорраҳага келдик. У ердаги уч чироқ ҳам қоронғу. Уни кўрган ўртоғим машинасини четга олди.

— Оғайни, отам Тошканни пиёда кезган. Унинг боласига ким қўйибди олифтагарчиликни. Бизам пиёда юрамиз. Уйингга бориш йўлини айт. Бу туришда бирови уриб-суриб кетади. Ке, қўй, шу машинани қолдирайлик.

Ўзимам шу фикрда эдим. Қишлоқнинг яккам-дуккам машинали кўчасига ўрганган киши шошади-да бундай қоидабузарликдан.

— Қайтдик, — дедим йўл кўрсатиб. Аммо «Улуғбек» метроси бекатига келсак... «Халқлар дўстлиги» шоҳ кўчасига кесишган чорраҳанинг ўртасида бир автобус кўндаланг туриб қолган. Тўрт томондан келаётган машиналар бир-бирига хавф солади. Шовқин. Сигналбозлик. Ҳамма учган светофорни лаънатлайди. Терлаб-пишиб Рашид йигирма минутда «туда»дан чиқиб олди...

Қисқаси, пойтахт йўлларининг «чарчаган» светофорлари дўстимни бездириб қўйди. Пиёда айландик. Томоша қилдик. Ўзгаришлардан, ободончиликдан Рашид ҳайратланганини яширолмади.

— Келгуси йили болаларниям олиб келаман. Бу ғузалликлардан баҳраманд бўлсин. Эртакнамо бўлиб кетибди-я.

Ҳавас билан шу гапларни айтаркан қўшиб қўйди.

— Унгача светофорларам тузалиб қолар. Лекин бу масалада бизларда тузук. Ҳар доим ишлаб туради...

Ўртоғимни қишлоғига узатиб қўйганимгаям ҳафтадан ошди. Ушандан бери пойтахт кўчаларидаги светофорларни кузатаман. Ҳали ҳануз гоҳ у жойда, гоҳ бу жойда ишламаётган бўлади. Очиги сўнгги пайтларда хавфсизликнинг бу шамчироғи ўчиши жуда кўпайди. Оқибатини эса... Шу-шу мияда битта савол турибди. Нега шундай?

Эътиборсизлик оқибатими бу? Ё... бошқа сабаб бормикан?

Қурбон ЭШМАТОВ.

МАҲАЛЛАДА ТЕННИС ГЎШАСИ

ТОШКЕНТ. Маҳалладошлар қувончи чексиз. Пойтахтнинг Чилонзор тумани, 20-даҳасида жойлашган бешта маҳалла ҳудудида ажойиб, усти ёпиқ теннис ўйингоҳи фойдаланишга топширилди. Ҳашар йўли билан қурилган бу спорт масканининг қурилишига туман ҳокимлиги ҳомийлик қилди. Ҳозир Шотурсун Ғуломов, «Ҳайробод», «Тинчлик», 2-«Қатортол», «Мевазор» каби маҳаллаларнинг ёшу қариси кичик тўп ўйини завқидан баҳраманд бўлмоқда. Энди маҳалладошлар китоб дўкони очиш ниятидалар.

Ғуломжон ҲАКИМОВ.

Ўзбекистон — Япония:

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мамлакатимизнинг кунчиқар юрт — Япония билан алоқалари барча йўналишларда, шу жумладан иқтисодий соҳаларда ҳам кун сайин ривожланиб бормоқда. Япония ишбилармонлари Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятига ва табиийки, ерости ҳамда устки бойликларига қизиқиш билан қарамоқдалар. Бунинг натижаси ўлароқ республикамизнинг йирик корхона ва ташкилотлари билан япон тадбиркорларининг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги йўлга қўйилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раиси Тўлқин Шоёқубов билан суҳбатимизнинг бош мавзуси ҳам ана шу ҳақда.

— Тўлқин Шоёқубович, Ўзбекистон — Япония ўртасида сизнинг соҳангизда ҳамкорликнинг бугунги натижалари ва истиқболи ҳақида гапириб берсангиз.

— Аввало бир нарсани таъкидлаб ўтай: мамлакатимизга япон ишбилармонларининг қизиқиши 1994 йилда Президентимизнинг Японияга қилган расмий сафаридан кейин янада ошди. Ҳозир ҳамкорлик қилишни истаган дунёга машҳур Япония компания ва фирмалари фойдали таклифлар билан бизга мурожаат қилишяпти. Айни пайтда қўмитамиз Я пония компаниялари билан қўшма лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор бермоқда. Ҳукуматлараро тузилган келишувга мувофиқ, 1994 йилдан буён Букантов тоғида япон геологлари билан биргаликда тадқиқотлар олиб бориляпти. Бу тадбирлар кунчиқар давлатнинг металл қазиб чиқариш агентлигига (ММАЈ)га қарашли Миндеко компанияси иштирокида бажарилмоқда.

Бу ҳамкорликдан мақсад республикамиз ҳудудида вольфрам кони заҳираларини қидириш ва ҳисоблаш, шунингдек, олтинли жинсларни излаш ва уни баҳолашдан иборатдир. Бу юмушлар аслида жуда катта изланишни, меҳнатни талаб этади. Японияликлар бизга бу соҳада зарур ускуналарни, техника ва қурилмаларни сотиб олишда, кўплаб замонавий технологияларни жорий этишда кўмак беришди. Ҳамкорликдаги иш давомида 700 минг АҚШ доллари ҳажмидан зиёдроқ геология қидирув ишлари амалга оширилди.

— ММАЈ агентлиги билан бундан кейин ҳам алоқалар ривожлантириладими?

— Албатта. Биз бу агентлик билан 1997-99 йиллар давомида Самарқанд ва Тошкент вилоятлари кон заҳираларини ўрганиб чиқиш борасида ҳамкорликни давом эттириш ниятидамиз. Агентликка биз тегишли тадқиқотларни амалга оширишни таклиф этганмиз. ММАЈ агентлигининг бу юмушларни бажаришга олдиндан розилиги олинган. Айни пайтда япон ҳукумати навбатдаги техникавий ҳамкорлик сўровимизни кўриб чиқмоқда.

Янги замонавий технология базаси ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор усуллари асосида олтин қазиб олиш миқёсини кенгайтириш мақсадида Тошкент вилояти олтин конларини ўзлаштириш бўйича халқаро тендер якунланди. Унинг натижасига кўра, Японияниг Мицуи компанияси ғолиб, деб топилди. Маълумки, ушбу компания жаҳонда қора ва рангли металл шунингдек қимматбаҳо металлар, машинасозлик, кимё саноати, тўқимачилик ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича етакчи ўринда туради.

Шу йилнинг сентябрь ойида қўмитамиз ҳамда «Ўзолмосолтин» уюшмаси бир тарафдан ва Мицуи ҳамда АҚШнинг «Ньюмонт»компаниялари иккинчи томондан Ангрен ҳудудидаги Қизил олма ва Қўшбулоқ конларида қимматбаҳо металларни қазиб чиқарадиган қўшма корхона барпо этиш тўғрисида шартнома имзолади. Бу айтиш мумкинки, Ўзбекистон тоғ-кон саноатига йирик япон фирмаларининг жиддий равишда катта сармоя сарфлашга биринчи бор интилишидир. Лойиҳада кўзда тутилишича, янги конларда йилига умумий миқдорда 1,2 — 1,5 миллион тонна руда қазиб олиниб, қайта ишлашга эришилади. Шунингдек, амалдаги олтин ундириб олиш фабрикасини жиҳозлаш ҳамда янгисини қуриш кўзда тутилмоқда. Қўшма корхона ушбу ҳудудда хом ашё базасини бундан кейин ҳам кенгайтириш бўйича геология-қидирув ишларини давом эттиради. Корхонанинг иш муддати 25 йилга мўлжалланиб, ундан кейин ҳам бу ердаги ҳамкорлик давом эттирилаверилади. Мазкур йирик лойиҳани татбиқ этиш учун даставвал 188 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилади. Икки томон ўртасида тақсимланадиган бу сармоя миқдорининг учдан икки қисмидан кўпроғи Ўзбекистонга тўланади.

Биз ишонч билан шуни айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон йирик хорижий компания ва фирмалар, сармоядорлар учун ҳамкорлик қилишга доимо тайёр. Яқинда Токиода ўтказилиши кутилаётган республикамиз минерал - хом ашё ресурслари тақдимотида ҳам чет эл компаниялари билан бундан кейинги ҳамкорлик имкониятлари ҳақида келишиб олишни ният қилиб қўйганмиз. Хорижий сармоядорларни Ўзбекистонга кўпроқ ва кенгроқ жалб қилиш мақсадида кон-қидирув майдонлари буйича тендерни 1997 йил 1 мартгача узайтириш ҳақида қарор қилдик. Демак, ҳамкорлик учун бизнинг эшикларимиз очиқдир.

Суҳбатдош:
Озода БЕКМУРОДОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Японялик аспирант Кэндзо Кавасаки ТошДУ тарих факультети 5-курс толиби Соунчи Такасахи билан Далварзинтепадан топилган топилмалар қаршисида.
Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

UZ-DAEWOO UZ-DAEWOO AUTO CO. UZ-DAEWOO UZ-DAEWOO AUTO CO.

ҲУРМАТЛИ ДЎСТЛАР!

«ЎзДЭУавто Ко» ҳиссадорлик жамияти Сизни кириб келаётган янги 1997 йил билан табриклайди, ишингизга ривож, оилангизга эса тинчлик ва қут- барака тилайди!

«ЎзДЭУавто Ко» ҳиссадорлик жамияти автомобилларнинг янги замонавий модификациялари сотуви бошланганини эълон қилади.

СИЗ ЭНДИЛИКДА:

ТИКО — STD
ТИКО — DLX *ва*
DLX *кондиционери билан*

НЕКСИЯ — GL *ва*
GL *кондиционери билан*
НЕКСИЯ — GLE
ва ***GLE*** *кондиционери билан сотиб олишингиз мумкин.*

Билиб қўйинг, ушбу турдаги автомобилларимиз юқори даражадаги қулайлиги ва хавфсизлиги билан фарқ қилади ҳамда Европа андозаларига тўла мос келади.

ЎЗИНГИЗГА ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИ ҲАДЯ ҚИЛИНГ!

Сотиб олиш масалаларида:

***нақд пулга «Ўзавтотеххизмат» ҳиссадорлик жамиятининг Тошкент ва Нукус шаҳридаги ҳамда барча вилоят марказларидаги автосалонларига;**

***пул ўтказиш йўли билан харид қилиш масаласида эса «ЎзДЭУавто Ко» ҳиссадорлик жамиятининг савдо ва техник хизмат кўрсатиш бошқармаларига мурожаат қилинг.**

Телефон: 67-70-48, факс: 67-70-60.

UZ-DAEWOO UZ-DAEWOO AUTO CO. UZ-DAEWOO UZ-DAEWOO AUTO CO.



НОРОЗИЛИК БИЛДИРМОҚДА

РЕЙТЕР *агентлигининг баён қилишича, Чили мудофаа вазири Элмундо Перес «Марк-96» космик учиш аппарати ҳалокатининг техник сабабларини сир тутаётган Россияга қарши норозилик билдирди. Ваҳоланки, «Марс-96» учиш аппарати Тинч океанининг Чилига яқин қирғоғига қулаб тушганди. Чили ҳукумати мамлакат ҳудудида ҳалокатга учраган ҳаво кемасининг бортида 200 грамм плутония ва атроф-муҳитни заҳарловчи радиоактив энергия ҳосил бўлишидан ташвишга тушяпти. Переснинг таъкидлашича, Москва Сантьягода радиоактив зарарланиш руй бермайди, шунинг учун «Россия ҳалокат ҳақида батафсил маълумот бериш ҳақидаги таклифни инобатга олмайди» деб изоҳлайди. Ҳарбий денгиз кучлари кузатув хизмати ҳозирга қадар Чилида ва ҳалокат содир бўлган океан ҳавзасида радиоактив нурлари ёки хавфли заҳарлик ҳолатларини аниқлаганича йўқ.*

СИЁСИЙ ЎЗГАРИШЛАР ЮЗ БЕРДИ

ҚИРҒИЗИСТОН. *Озод Европа радиостанциясининг хабар беришича, Қирғизистон давлат бошқарув тизимларида муҳим сиёсий ўзгаришлар кутиляпти. Қирғизистон Президенти Асқар Акаев бир неча вазирликларни 22тадан 15 тагача қисартириш ҳақидаги буйруқларга имзо чекди.*

Шунингдек, Президент ҳукумат таркибидаги штатларни ҳам уч минг кишига камайтиришни кўзда тутяпти. Давлат раҳбари ҳозирда молия вазири лавозимини эгаллаб турган К. Нанаевни Бош вазирнинг биринчи ўринбосари этиб тайинлади. Унинг ўрнини иқтисодиёт вазири Т. Койчуманов эгаллади. Иқтисодиёт вазирлиги эса тугатилди.

Асқар Акаев шунингдек, Президент девони ва парламент таркибини ҳам 30 фоизга, ҳукумат ҳамда вазирликлардаги ходимлар сонини 20 фоизга қисқартириш ҳақидаги буйруқни ҳам имзолади.

УМУММИЛЛИЙ ИШ ТАШЛАШ

БОЛГАРИЯ. *Рейтер агентлиги ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари мамлакатда танг сиёсий вазият юзага келганлигини маълум қилмоқда. Болгария мустақил касаба иттифоқи конфедерацияси бир суткалик умуммиллий иш ташлашини бошлади. Бу иш ташлашни миллион кишидан зиёд шахтёрлар, ўқитувчилар, енгил саноат ишчилари қўллаб-қувватлаш ниятида. Мустақил касаба иттифоқи конференцияси раиси Снежана Любеновонинг айтишича, бу умуммиллий иш ташлаш Жан Виденов етакчилик қилаётган социалистик Вазирлар Маҳкамасининг ички сиёсатига қарши норозилик намойишидир.*

Мамлакатдаги яна бир йирик «Подкрепа» касаба иттифоқлари конфедерацияси эса уз аъзоларини умуммиллий иш ташлашда қатнашишни таклиф этса-да, расмий равишда уларни қувватлаб чиқмади. «Континент» газетасининг ёзишича, бир неча мухолиф партиялар ҳам умуммиллий иш ташлаш ҳаракатини шу йўсинда «маънавий рағбатлантириш» билангина чекланишди, холос.

Футбол

ШИДДАТ ВА МАҲОРАТ

Шу кунларда миллионлаб мухлисларнинг ороми бузилган. «Зангори экран» хосияти билан юртимиз ишқибозлари ҳам ярим тунгача қизғин ва муросасиз футбол учрашувларининг шоҳиди бўлмоқдалар. Бирлашган Араб Амирликларининг уч шаҳрида давом этаётган Осиё кубоги учун кураш ўзига хос байрамга айланяпти. 12 жамоа уч гуруҳга бўлиниб, саралаш ўйинларини бошлади.

Абу-Даби шаҳрида «А» гуруҳига кирувчи жамоалар ўртасида дастлабки ўйинлар бўлди. Майдон эгаларининг Корея терма жамоаси билан учрашуви қизиқарли ўтди. Гарчанд, учрашувда Корея ўйинчиларининг устунлиги сезилиб турса-да, майдон эгалари ўзига хос шиддат кўрсатиб, ҳисобни 1:1 қилишга имкон топдилар. Индонезия — Қувайт жамоалари ўртасидаги ўйин ҳам дуранг (2:2) бўлди.

«В» гуруҳига ҳам кучли жамоалар жамланган. Саудия Арабистони футболчилари билан Таиланд жамоаси ўтасидаги учрашувни мухлислар эслаб юрадилар, чоғи. Боиси, араб футболчилари бекорга икки марта Осиё кубогини қўлга киритишмаганини яна бир карра намойиш этолдилар. Таиланд футболчиларининг бот-бот уюштирган ҳужумларини ҳисобга олмайдиган бўлсак, ташаббус асосан араб йигитларида кетди. Бўлмаса, Саудия Арабистони шунқорлари Таиланд жамоаси дарвозасига жавобсиз 6 та тўп йўллашни эплашармиди? Эрон-Ироқ жамоалари ўртасидаги ўйин ҳам ўзига хослиги билан эътиборни тортди. Учрашувда Ироқ йигитларининг маҳорати кўпроқ кўринди. Улар ҳисобни очишди. Ғалабани мустаҳкамлашди. Танаффусдан кейингина эронликлар битта жавоб тўпи киритиш билан кифояландилар.

Кўриниб турибдики, бўлиб ўтган тўрт учрашувдан кейин курашни давом эттириш, совриндор бўлишга интилиш кучли. Мутахассислар бу сафар Саудия Арабистони, Ўзбекистон, майдон эгалари, Корея, Қувайт, Ироқ, Хитой жамоаларини совринли ўринларни эгаллашлари мумкин, деб башорат қилмоқдалар.

Кеча «С» гуруҳида ҳам дастлабки икки учрашув ўтказилди. Япония — Сурия, Хитой — Ўзбекистон жамоалари майдонга тушдилар. Ўйлаймизки, футболчиларимиз ишқибозларини уялтириб қўймасликка ҳаракат қилишади.

Футболчилар кўнглида эса бир ният, у ҳам бўлса Францияда яна икки йилдан кейин бошланадиган жаҳон чемпионатида иштирок этиш. ФИФАнинг Цюрихдаги қароргоҳида жаҳон чемпионати билан боғлиқ икки масала кўрилди. Жумладан, жаҳон чемпионати финал ўйинлари 1998 йилнинг 12 июнида бошланаркан. 2002 йилги жаҳон чемпионати эса Кореяда бошланиб, Японияда якунланиши кўзда тутилмоқда.

Мирзо АНВАР.

САВДО ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ, ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР

ДИҚҚАТИГА!

"Ўзулгуржибиржасавдо" акционерлик уюшмасига қарашли Ўзбекистон Республикаси мол-хом ашё биржаси "Ўзмевасабзоватузумсаноат" уюшмаси билан биргаликда шу йилнинг 10-13 декабрь кунларида

УЛГУРЖИ САВДО ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗАДИ.

Ярмаркада "Ўзмевасабзавотузумсаноат" уюшмасига қарашли корхоналар, бирлашмалар ва агрофирмаларнинг 1997 йил учун қуйидаги маҳсулотлар улгуржи савдоси ташкил этилган:

1. Консервалар:
2. Виночилик маҳсулотлари:
3. Қуритилган мева-сабзоватлар.

Маҳсулотлар нархи эркин ва келишилган баҳоларда белгиланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси-7.
Ўзбекистон Республикаси мол-хом ашё биржасининг Кўргазмалар павилвони.
Қўшимча маълумотлар бўйича 56-35-03; 41-18-21; 41-11-81; 41-37-54 телефонларга мурожаат қилинг.

«ЭПКТ «Иқбол» ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида қабул қилинади.
Манзилимиз: Тошкент ш., Навоий-30, тел: 44-11-29.

«Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси бошқаруви ва жамоаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Халқ истеъмол моллари, савдо ва пулли хизмат кўрсатиш бўлими мудири У. Н. Набиевга онаси **Башор ая ШОКИРОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Чилонзор тумани Давлат солиқ инспекцияси жамоаси Акром Ҳамраевга отаси, халқ маорифи аълочиси **Абдуэоҳир ота ҲАМРАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.





Ўзбекистон ҳукумати ҳамда бутун ўзбек халқини мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4 йиллиги билан самимий қутлаймиз!

Келажаги буюк давлат - Ўзбекистон иқтисоди бундан буён ҳам барқарор юксалишига ишончимиз комил.

Қардош халқларимиз ўртасидаги дўстлик янада мустаҳкамланаверсин.

Шу байрам кунларида ҳар бир хонадонга тинчлик, омонлик тилаймиз!

Ўзбекистон - Туркия қўшма банки.

Обуначи бурчаги

БАНАН РАКНИНГ ДУШМАНИ

Айни пайтда айрим японияликларда бананни кўп истеъмол қилишга иштиёқ туғилди. Одатда арзон ва ҳамманинг ҳам сотиб олишга қурби етадиган ушбу маҳсулот билан тўлиб турадиган япон дуконларининг пештахталари эндиликда кечки пайтлари бўшаб қолаётир. Япон олимлари жамияти бананлар фақат саломатликни сақлаш мақсадида эмас, балки ракни даволаш учун ҳам хизмат қилади, деган хабари бунга сабаб бўлди.

Умуман олганда, кўпгина фойдали моддаларга эга бўлган ушбу меванинг самарали эканлиги ҳақида аввалларги ҳам таъкидлаб айтиларди. Энди эса бананларда инсон иммунитет тизимини фавқулодда мустаҳкамловчи энзималар борлиги аниқланди. Тўғри, бу ҳали унчалик исботлангани йўқ. Фақат бу тажриба оқ сичқонларда синаб кўрилди, холос. Зеро, рак касалига мубтало бўлган мана шу жониворларнинг овқатига банан шарбати қўшиб берилганда уларнинг ўнтасидан 7 таси бу дарддан тўла фориг бўлган.

Олимларнинг ушбу тадқиқоти телевидениеда берилаётган оммабоп кўрсатувда бошқа тадқиқотчиларнинг тасдиғига биноан янада ошди. Ҳамма бир фикрда — бананни кўпроқ истеъмол қилиш керак экан. Айниқса, эрталаб, оч қорнига, иложи борича икки дона истеъмол қилган маъқул. Шунда сиз ўз саломатлигингизни тубдан мустаҳкамлайсиз ва бунинг ҳеч қандай зарарли оқибатлари йўқ.

Билиб қўйган яхши

Бозор-бозор-да. Юртимиздаги дўкон ва расталар хорижий моллар билан лиқ тўла. Ёрлиқларини айтмайсизми? Кўзни қамаштиради. Бироқ ҳамма вақт ҳам бизга келтирилаётган чет эл буюмлари асл бўлиб чиқавермайди. Сохта, сақланиш муддати ўтиб кетган сифатсиз мол ва буюмлар ҳозир кўплаб учраб турибди. Азиз мушгарий, асл молни сохтасидан ажратиб олишингиз учун сизга қуйидаги штрих-кодларни яхши билиб олишни тавсия этамиз.

МОЛИНГИЗ АСЛМИ?

Жаҳонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг энг кўп тарқалган кодлаштириш халқаро тизими Европа товар нумерацияси - EAN - ҳисобланади. Бунда штрих-сетка ва 12-белгили рақамли код ишлатилади. Ҳар бир мамлакатда амал қилувчи кодлаштириш марказига мурожаат қилиб, ушбу штрих-сеткага асосан маҳсулотни ишлаб чиқарган фирма ва давлатни аниқлаб олса бўлади. EAN штрих-кодларини Американинг UPS тизими билан чалкаштирманг: уларда 12-белгили рақамли кодда иккита рақам штрих-сеткага чиқарилиб, мамлакат коди кўрсатилмайди.

код	мамлакат	код	мамлакат	код	мамлакат
00-09	АҚШ, Канада	560	Португалия	777	Боливия
20-29	EAN Резерви	569	Исландия	779	Аргентина
30-37	Франция	57	Дания	780	Чили
380	Болгария	590	Польша	784	Парагвай
383	Словения	594	Руминия	786	Эквадор
385	Хорватия	599	Венгрия	789	Бразилия
400-440	Германия	600-601	ЖАР	80-83	Италия
460	Россия	611	Марокко	84	Испания
465	Украина	619	Тунис	850	Куба
471	Тайвань	64	Финляндия	858	Словакия
474	Эстония	690	Хитой	859	Чехия
475	Латвия	70	Норвегия	860	Югославия
477	Литва	729	Исроил	869	Туркия
480	Филиппин	73	Швеция	87	Голландия
489	Гонконг	740-745	Гватемала, Сальвадор Никарагуа, Панама, Гондурас, Коста-Рика	880	Жанубий Корея
45,490-499	Япония			885	Таиланд
50	Буюк Британия			888	Сингапур
520	Греция	750	Мексика	899	Индонезия
529	Кипр	759	Венесуэла	90-91	Австрия
531	Македония	76	Швейцария	93	Австралия
535	Мальта	770	Колумбия	94	Янги Зеландия
539	Ирландия	773	Уругвай	955	Малайзия
54	Бельгия, Люксембург	775	Перу	959	Папуа-Янги Гвинея

Масалан, сиз сотиб олган буюмда штрих-сетка 4609112034505 бўлсин. Бундан 460-мамлакат коди, 9112-ишлаб чиқарувчи ёки маҳсулотни ўровчи фирма коди, 03450-маҳсулот коди, 5- назорат рақами ҳисобланади. Сиз маҳсулотнинг асл ёки сохталигини билмоқчи бўлсангиз кодни теширириш ҳисоб- китобига амал қилишингиз керак. Бунинг учун нима қилиш керак?

1. Қатордаги жуфт номерларни юқоридаги штрих-код мисолида қўшиб чиқишингиз лозим (6+9+1+0+4+0=20).
2. Келиб чиққан суммани 3га кўпайтирасиз (20x3=60).
3. Кейин қаторда тоқ турган (юқоридаги штрих-код мисолида) номерларни назорат рақамисиз қўшиб чиқасиз (4+0+1+2+3+5=15).
4. Шундан сўнг 2 ва 3 пунктдаги сонларни қўшасиз (60+15=75).
5. Ва ниҳоят келиб чиққан сумма (75)нинг охирги рақами (5)ни 10 рақамидан олиб ташланади (10-5=5).

Ўртадаги фарқ назорат рақами билан тенг 5=5 бўлса, маҳсулот асл бўлади, акс ҳолда эса сиз СОХТА маҳсулот харид қилган бўласиз.

Биноборин, дўкон ёки бозорга бориб у ёки бу маҳсулотни сотиб олмоқчи бўлсангиз, ушбу қийин бўлмаган тавсияларга эътибор беринг. Шунда мол танлашда ҳеч ҳам адашмайсиз.

САВДОГАР ВАСИЯТИ

Испаниялик художўй бизнесчи Эдуарда Сиерра Стокгольмдаги черковлардан бирига кириб тасодифан шу куни вафот этган марҳумнинг хотирасига тиловат қилди. Кейин таъзиялар китобига имзо чекди. Унинг имзоси биринчи ва кейин маълум бўлишича ягона имзо эди бу китобда. Сиеррани кўрган черков ходимлари унинг уй манзилини ва телефон рақамини ёзиб қолишди.

Бир неча ой ўтгач, испаниялиқнинг уйида телефон жиринглаб қолди. Бу кўнгироқ Стокгольмдаги ўша черковдан эди. Дабдурустдан Сиеррага жуда катта миқдордаги пул мерос қолганлигини хабар қилишди. Маълум бўлишича, вафот этган одам оиласиз бўлиб, ундан каттагина мерос қолган. 73 ёшли бу кўчмас мулк савдоси ходими ўз васиятида шундай деб ёзиб кетган экан: «Агар кимки менинг вафотимдан кейин биринчи бўлиб черковда рухимга дуо қилса, мен нимага эришган бўлсам ўша унга тегишли бўлади».

ОШҚОЗОНИ ...БЕНЗИН ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ

Туркиянинг Ўрта Ер денгизи кирғоқларида жойлашган Мерсин шаҳрида яшовчи 42 ёшли йигит буйраги атрофида каттиқ оғриклар пайдо бўлгандан сўнг организмида қандайдир нокулайлик сеза бошлади. У врачларга мурожаат қилгач, ҳайрон қолди. Чунки унинг организми юқори октанли бензин ишлаб чиқарарди. Бу маҳаллий докторларнинг хатосидир, деб ўйлади у. Бироқ америкалик ҳамкасблар туркиялик врачларнинг ташхисини тасдиқладилар. Бу ҳақда хабар топган Туркиянинг «АТВ» хусусий телекомпанияси миллионлаб фуқароларга ғаройиб инсонни кўрсатди ва ундан ўз организмидан бензин чиқариб беришни илтимос қилди. У эса хеч иккиланмай ошқозонининг ўнг томонига ўрнатилган пластик қувурчага ишора қилди ва журналистларнинг илтимосини бажарди: ўз хидига кўра бу суюқлик оддий бензиндан хеч хам фарқ қилмасди ва ундан ёмон ёнмасди.

БАЛИҚ ИНФАРКТДАН САҚЛАЙДИМИ?

Кардиолог ва диетологларнинг энг сўнгги тадқиқотлари натижаси — бизнинг озиқ-овқат рационимизда балиқнинг фойдали эканлигини аниқлади. Унинг таркибидаги моддалар биринчи навбатда юрак-қон-томир тизимини мустаҳкамлар экан. Мутахассисларнинг изоҳлашича, агар кимки бир ҳафтада икки марта балиқдан тайёрланган овқатлардан истеъмол қилса, унинг инфаркт бўлиши эҳтимоли камаяди. Ҳозирча балиқ маҳсулотларининг қон-томир тизимига таъсир этиш механизми аниқ бўлмаса-да, тадқиқотчиларнинг қайта-қайта таъкидлашича, уларнинг даволовчи самараси яққол сезилмоқда. Демак, балиқ еб туришни унутманг!

(«Обуначи бурчаги» материалларини Аслиддин БОЛИЕВ саралади).

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» учун масъул), Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), Александр ТЮРИКОВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир С. ЙЎЛДОШЕВА, навбатчи Н. ШОНИЁЗОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
Газета офсет усулида А—2 форматида 26.845 нусхада босилди
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳririят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0694

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 00.30
123456.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА